Mas'uliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi
AKADEMIK AUDIT
auditorlik tashkiloti
150103. Farg'ona shahar. B.Marg'inoniy ko'chasi 147. hisob raqami: 20208000504337208001
MFO: 01043 АТБ «Kapital Bank» STIR: 205094982 IFUT: 69202 tel: +998916649482
web-sayt: akademik-audit.uz Email: akademik_audit@mail.ru

"Бағдоддонмахсулотлари" АЖ нинг
2020 йил молиявий хўжалик фаолиятига

Ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Биз, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AKADEMIK AUDIT» аудиторлик ташкилоти *(Ўзб. Рес. Адлия вазирлиги томонидан берилган 04.06.2004 йилдаги реестр рақами 986-сон гувохнома, Ўзб. Рес. Молия вазирлиги томонидан 05.04.2019 йилда берилган АФ-№00772-сонли лицензия)* директори-аудитори Султонов Маруфжон Маликович *(Ўз.Рес. Молия вазирлиги томонидан 29.10.2016 йилда берилган №05426-сонли аудитор малака сертификати)* томонидан Бағдоддонмахсулотлари" АЖ нинг 2020 йил 1 январдан 31 декабрига қадар бўлган давр учун бухгалтерия ахбороти бошланғич хужжатлари хамда Бухгалтерия баланси 1-сонли шакл ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сонли шакл хисоботларининг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хаққонийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "Бағдоддонмахсулотлари" АЖ нинг илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва хаққонийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик.Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақазо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект "Бағдоддонмахсулотлари" АЖ нинг 2020 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини хаққоний акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофик келади.

MChJ «AKADEMIK AUDIT»
auditorlik tashkiloti директори: **М.Султонов**
«26» февраль 2021 йил

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI FARG'ONA SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT SHAKLIDAGI AUDITORLIK TASHKILOTI
AKADEMIK AUDIT